




Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



**Выпуск №77 (том 1)  
(октябрь, 2025)**



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №77 (том 1) (октябрь, 2025).**

**Дата выхода в свет: 31.10.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ МЕДИЦИНЫ В РЕСПУБЛИКЕ СЕВЕРНАЯ ОСЕТИЯ – АЛАНИЯ Хестанова К.В., Джиоева Д.С.	81
ИНТЕГРОДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫЕ УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА- ФРЕДГОЛЬМА Хайдарова О., Хайдарова М.	90
ОДНОЗНАЧНАЯ РАЗРЕШИМОСТЬ ИНТЕГРОФУНКЦИОНАЛЬНОГО УРАВНЕНИЯ ВОЛЬТЕРРА Хайдарова О., Хайдарова М.	93
ПОЛЕЗНЫЕ ИСКОПАЕМЫЕ ТУРКМЕНИСТАНА Мурадова А.Ё., Мурадова О.Ё.	96
ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДА ТРАЕКТОРИЙ ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧ КОМБИНАТОРИКИ Какалыев Б.А., Аннагылыджова М.Б., Гелдиева Г.А.	99
СИСТЕМА МАССОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ И ЕЁ ПРИЛОЖЕНИЯ Какалыев Б.А., Егендурдыев Г.Х., Аннагылыджова М.Б.	103
УСТАНОВЛЕНИЕ ЖИЛИЩНЫХ СУБСИДИЙ НА ОСНОВАНИИ РЕГИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Гладких У.А.	106
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	114
МАМЛАКАТ АКЦИЯЛАР БОЗОРИДАГИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	121
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОГИСТИКА СОҲАСИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ Олтаев Ш.С.	129
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ПЛАСТИК КАРТАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	135
МАМЛАКАТДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ОШИШИНИНГ МОЛИЯ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ Олтаев Ш.С.	143
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ВРЕД, ПРИЧИНЕННЫЙ НАРУШЕНИЕМ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА Бузмакова Д.С.	148
УДЕРЖАНИЕ ВЕЩИ КАК СПОСОБ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ ПО ДОГОВОРАМ АРЕНДЫ ПОМЕЩЕНИЙ: ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНОЙ ПРАКТИКИ Васильева О.Р.	157
ТРАДИЦИИ И КУЛЬТУРА – ДУХОВНЫЕ КОРНИ ТУРКМЕНСКОГО НАРОДА Сулейманлы Н., Худайбердыева М.Ч., Мовламов Я., Гельдиев А.	164
ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО СТАТУСА АПАРТАМЕНТОВ И ИХ СООТНОШЕНИЕ С ЖИЛЫМИ ПОМЕЩЕНИЯМИ Гоглева А.А., Верхорубов И.Н.	168



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА МОЛИЯ БОЗОРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ, ТАДБИРКОРЛИКНИ ТЕНГ РАҚОБАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида Ўзбекистон молия бозорининг долзарб муаммолари, тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш масалалари таҳлил қилинади. Муаллиф солиқ сиёсатини либераллаштириш, солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш орқали иқтисодий барқарорликка эришиш йўлларини кўрсатади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида субсия тизимини рақамли бошқарувга ўтказиш, электрон ҳисоб-фактураларни жорий этиш, нақд пульсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш ва меҳнат муносабатларини расмийлаштириш орқали яширин иқтисодий фаолиятни камайтириш чора-тадбирлари ёритилган. Мақолада солиқ маъмурияти ва тадбиркорлик фаолиятини рақамлаштириш орқали иқтисодий шаффофликни ошириш, солиқлардан бўйин товламасликнинг олдини олиш ҳамда давлат бюджети барқарорлигини таъминлашнинг самарали йўллари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, молия бозори, солиқ сиёсати, тадбиркорлик, яширин иқтисодиёт, солиқ маъмурчилиги, рақамлаштириш, иқтисодий барқарорлик

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилги солиқ қонунчилик ҳужжатларига киритилган асосий ўзгариш ва солиқ имтиёзлари бериш



тартибини такомиллаштириш уларга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва бошқа берилаётган енгилликлар аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлигига қарамасдан, уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг тизими ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири - солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли солиқ ислохотларининг натижасида аҳоли реал даромадлари ўсиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Республикамизда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш орқали тадбиркорлик фаолиятини юритишда тенг рақобат муҳитини яратиш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича субсидия ажратишни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали реализация қилинган миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш, шунингдек, ушбу маҳсулотлар бўйича бюджетга тўланган кўшилган қиймат солиғи суммасининг 50 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга қайтариб бериш тартибини жорий этиш тизимини йўлга қўйиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу йўналишга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларнинг ҳисобини юритиш, уларга



субсидия ажратиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда субсидияни шаффофлигини таъминлайдиган ахборот тизимини яратиш, шунингдек, субсидия бўйича амалдаги ахборот тизимларини солиқ органларининг маълумотлар базасига интеграция қилиниш керак.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши уч ой муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда етиштириладиган ҳосил ҳажмини аниқлаш, апробация тадбирларини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги даромадларини ҳисобга олишни белгиловчи низом ёки уларни ечими бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини юритишда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш бўйича электрон товар-транспорт юк хатисиз юк ташийдиган субъектларга нисбатан биринчи марта ҳуқуқбузарлик суммасининг 10 фоизи, иккинчи марта 15 фоизи, учинчи ва ундан кўп бўлган ҳолларда 20 фоизи миқдорида молиявий жарималар қўллашни ташкил этиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Шунингдек яна бир усул яъни, қурилиш корхоналари томонидан жисмоний шахсларга кўчмас мулкни сотиш фақат электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган ҳолда ва нақд пулсиз шаклда амалга ошириш лозим. Бунда нақд пулсиз шаклда кўчмас мулк хариди учун тўланган қўшилган қиймат солиғи суммасининг 25 фоизи жисмоний шахсларга қайтариб берилиши; юқори ликвидли товарлар, мажбурий рақамли маркировкаланиши белгиланган товарлар билан боғлиқ битимлар доирасида амалга ошириладиган товар айланмалар бўйича солиқ солинадиган база солиқ органлари томонидан бозор нархларини аниқлаш ва қўллаш (бундан трансферт нархни белгилашда солиқ назорати мустасно) тартибида белгиланиши ҳамда солиқ солиш базасига тузатиш киритиш мақсадлари учун товарларнинг ўртача бозор нархини доимий равишда ўзининг расмий веб сайтыда эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш лозим бўлади.

Яна бир йўналишга катта эътибор қаратиш лозим:

- меҳнат муносабатлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган,



шунингдек, ходимлар сонини яширган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ҳар бир яширилган ходим учун - уч миллион сўм, такроран содир этилганда - олти миллион сўм, учинчи марта ва ундан кўп ҳолатларда эса - тўққиз миллион сўм миқдорида жарима қўллаш;

- кетма-кет келадиган ун икки ойлик даврда энг кам базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг баробаридан ортиқ қийматда харажатларни амалга оширган жисмоний шахслар ушбу даромадларнинг манбаини тасдиқлашни талаб этиш;

- календарь йилида маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушуми 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахсларга нисбатан якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиққа тортиш тартибни жорий этиш;

- корхоналарни қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш билан боғлиқ операциялар солиқ органининг хулосаси асосида амалга ошириш. Бунда, юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш шаклида тугатилганда унинг тижорат банкларидаги барча ҳисобварақлари ёпилади ва ундаги мавжуд пул маблағлари қўшиб олган юридик шахснинг асосий ҳисобварағига ўтказилишини таъминлайди;

- истеъмол, техник этил спирти ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларда автоматлаштирилган ўлчаш ва ҳисобга олиш воситаларини ўрнатилмаганлиги (жихозланмаганлиги) уларнинг лицензияларини бекор қилинишига асос бўлиши;

- маълумотлар ахборот базасига интеграция қилинмаган ёки интеграция натижаси билан ахборот тақдим этмаган истеъмол ва техник этил спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан Солиқ кодексининг 227<sup>1</sup>-моддасида белгиланган жавобгарлик чораларини кучайтириш керак бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли технологияларни жорий этиш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, солиқ



сиёсатини либераллаштириш, солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш, шаффоф ахборот тизимларини жорий этиш иқтисодиётда яширин фаолият улушини камайтиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, айрим соҳаларда — хусусан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо соҳаларида — электрон ҳисоб-фактуралар тизимини тўлиқ жорий этиш, субсия ажратиш механизмларини такомиллаштириш, нақд пульсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш зарурати мавжуд. Меҳнат муносабатларини расмийлаштирмаслик, солиқ тўловларини яшириш ва ноқонуний иқтисодий операциялар каби ҳолатлар ҳануз сақланиб қолаётгани давлат назорат тизимини кучайтириш ва рақамли мониторингни жорий этишни талаб қилади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг рақобат муҳитини таъминлаш учун солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳоловчи механизм ишлаб чиқилиши муҳимдир.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида молия бозори барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва яширин иқтисодиёт улушини камайтиришнинг асосий омили — бу солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, ахборот базаларини интеграциялаш ва солиқ интизомини мустаҳкамлашдир. Электрон ҳисоб-фактуралар, рақамли субсия тизимлари, онлайн мониторинг ва автоматлаштирилган назорат воситалари иқтисодий шаффофликни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, меҳнат муносабатларини қонунийлаштириш, солиқ тўловчиларнинг масъулиятини кучайтириш ва тадбиркорлар учун адолатли солиқ юкини таъминлаш орқали иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ортади. Натижада давлат бюджети барқарорлиги мустаҳкамланади, тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилади ва мамлакатнинг рақамли иқтисодий ривожланиш суръатлари жадаллашади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Фафур Фулом нашриётуйи 2020.- 640 б.



2. Нормурзаев, У. (2022). Хукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(5), 325-330. [https://doi.org/10.55439/YEIT/volP\) iss5/a35](https://doi.org/10.55439/YEIT/volP) iss5/a35)
3. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. Экономика и образование, (6), 82-86. извлечено от <http://sedr.tsuye.uz/index.psp/journal/artisle/vi yew/285>
4. Нормурзаев У. (2021). Пути эффективного использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355-362. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.pxp/yeconomics\\_and\\_innovative/article/viyew/11954](https://inlibrary.uz/index.pxp/yeconomics_and_innovative/article/viyew/11954)
5. Нормурзаев У. Тадбиркорларни кўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш йўллари //Экономика и образование. - 2021. - №. 3. - С. 91-95.
6. Shavkat Oltaev. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
7. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>
8. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>
9. Shavkat Oltaev. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>

© Олтаев Ш.С., 2025